

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА
СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

УЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРАТОРИЯСИ

Мусика назарияси кафедраси

Полифония фанидан

РЕФЕРАТ

Мавзу: “ Л. ван Бетховеннинг полифонияси ”

**Мусикашунослик булими
4 боскич талабаси
Бабажанова Н.**

Тошкент 2010

Л. В. Бетховен полифонияси

Людвиг ван Бетховеннинг даҳоларча ижодиётида полифония жуда катта ўрин эгаллайди, ижодининг сўнгги йилларида эса устуворлик қилади. Бах, Гендель, Моцарт ва Гайдннинг маъобатли мероси унинг ўз бадий тамойилларини яратишида замин бўлиб хизмат қилди.

Ижодининг илк ва ўрта даврларида Бетховен полифонияси гармоник асосда, яъни гармоник фигурацияларнинг индивидуаллашган шаклларининг қўлланиши билан яратиларди. Аста-секин, айниқса охирги квартетларда полифониянинг унсурлари (компонентлари) сифатида мустақил мелодик овозлар илгари сурилди. Мелодик бирлашмаларнинг кўпчилигида контрапунктлашаётган овозларнинг қарама-қарши ҳаракати катта ўрин эгаллайди. Бетховен ижодининг илк ва ўрта даврларида кам учрайдиган фуга шакли ижодининг охирги даврида унинг сонаталарида, квартетларида, вариацияларида, мустақил увертюраларида, 9-симфониясида аҳамиятли ўрин касб этди.

Бетховен томонидан полифониянинг новаторлик талқинининг даҳоларча кўриниши – бу унинг полифониядан драматик қизғинликни кучайтириш воситаси сифатида фойдаланиши эди. Бах фугаси кўп ҳолларда мужассамлик ва қизғинлик тимсолини намоён қилади. Моцартда ва Бетховеннинг илк асарларида имитацион полифония жонли, энергияга тўла характердаги композицияларда қўлланиларди. Фақат Учинчи симфониянинг “Похоронный марши” да Бетховен драматик мавзуйликни имитацион бойитиш заруриятига келиб тақалди. Полифония ёрдамида драматизация қилишнинг яна бир моҳирона намунаси Тўққизинчи симфониянинг Allegro кодасидаги бошқа “Похоронный марш” дир.

Моцартдан қолган анъанага кўра Бетховен катта полифоник шаклдан фойдаланади. У катта полифоник шаклга аник бир драматургик сифатларни киритади, яъни унга туркумий асар турли хил қисмларининг полифоник

эпизодларини қўшади. Бу эпизодлар нафақат мазмунига кўра, балки бадиий услубларига кўра ҳам турличадир. Шу тариқа масштабларнинг катталашиши билан бирга, катта полифоник шаклнинг ўзи ҳам чуқурлашади.

Бетховен контрастли полифонияни ҳам ўзига хос талкин этади. Агар Бах, Гендель, улардан кейин Моцарт турли хил мавзуларнинг бирлашмасига синтезлаштирувчи восита сифатида қараб, уларни одатда якуний қисмларда жойлаштиришса, Бетховенда битта мавзу элементларининг бирлашмаси доимий ва ишланма услуби сифатида намоён бўлади. Улар якуний (репризали) тузилмаларда жойлаштирилиб, кўп ҳолларда мавзуларни ўзгартирадилар ва бу мавзулар янги шакл маъно касб этадилар. Контрапунктлашаётган мавзуларнинг оддий бирикмаси эмас, балки олдинги хусусиятларни янги сифатда бирлаштирувчи қандайдир мустақил хулоса ҳосил бўлади. Овозларни индивидуализацияси мақсадида Бетховен имитациядан фойдаланмайди: бу ердан эса тўғридан-тўғри йўл контрастли-мавзуй полифонияга олиб боради, у эса ўз навбатида Бетховен ижодининг охириги даврида квартетларда гуркираб ривожланди. Аммо бу дегани Бетховенда полифоник воситалар доирасида имитациянинг аҳамияти кам деган маънони англатмайди. Аксинча, Бетховен асарларида унинг аҳамияти жуда каттадир. Бунда Бетховеннинг имитацион усулларга муносабатининг эволюциясини пайқаш мумкин: илк ва ўрта даврлар асарларида улар мавзуйликни ривожлантириш мақсадида қўлланадилар, охириги даврдаги асарларда эса мустақил асарлар ёки туркумларнинг қисмлари яратилиши тамойилига айланадилар.

Бетховен тингловчи учун янги бўлган шакл – фугато шаклини ҳам даҳоларча топади.

Бетховеннинг фуга шаклида очиб бериладиган тимсоллар – қахрамонона (ор. 35 ва 120 вариациялардаги фугалар), драматик (Қахрамонона симфониядаги Мотам марши), мотамсаро-мужассамлашган (№7 симфониянинг Allegrettосидаги фугато), скерцоли (ор.18 №4 даги

скерцо), жонли (ор.10 №2 сонатасидаги финалнинг бошланиши) ва ҳоказо бўлади. Бундай мисоллар яхлит шаклга нисбатан қуйидагича бўлинади:

Соната шаклининг бош мавзуси - ор.10 №2 сонатасининг финали, №1 симфониясининг Andante си, ор.18 №4 квартетидан скерцо, ор.59 №3 квартетининг финали, мураккаб учқисмли шакл трио мавзу - №5 симфониянинг учинчи қисми, скерцо трио B-dur ор.97, ор.95 квартетининг Andante си;

Вариациялар таркибидаги фуга (фугато) – ор.35, Қаҳрамонона симфониясининг финали, №7 симфониясининг Allegrettоси ва №9 симфониясининг финали, ор.120 вариациялари, ишланма таркибида - №3 фортепиано концертининг финали, №4 концертининг Allegроси, ор.101 сонатасининг финали ва бошқалар.

Фугатолар Бетховен томонидан мусиқий ривожнинг фугалашган тамойилидан новаторларча фойдаланганлигининг намунасидир. На Моцартда, на Гайднда биз фугатонинг бирон бир шаклга кескинликни кучайтириш, драматик мазмунни кенгайтириш учун кириб борганини кўрмаймиз. Бетховен фугатонинг табиатидан келиб чиқувчи янги ресурсларини очди, яъни овозларнинг аста-секин тўпланиши, жарангнинг кучайтирилиши билан ҳамроҳланувчи битта мавзуийликнинг доимо қайтарилиши ва бу табиийки кескинликнинг кучайишига ҳам олиб келади.

Бетховен ижодининг сўнгги даврларида ёзилган асарларида катта полифоник форма катта аҳамиятли ўзгаришларни бошидан кечиради. Полифоникликнинг умумий кучайишидан катта полифоник шаклга тўпланувчи алоҳида эпизодларни ажратиб олиш қийинчиликлар тугдира бошлади. Бу катта шакл баъзида туркумнинг полифоник ривожланувчи тўлиқ қисмларини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, Бетховен учун контрастли контрапунктирлаш – мусиқий тимсолнинг яхлит моҳиятини аниқлашнинг жонли жараёнидир.

Бетховен полифониясида унинг мураккаб шаклларида ҳисобланувчи фуга катта аҳамиятга эга. Бетховен фугани вариациялар таркибига

маҳкамлади: эҳтимол олдинга у фугани катта асарнинг иккинчи мустақил қисми сифатида тан олган эди. Кейинчалик фуга (fugato, фугетта) вариацион шаклнинг битта вариацияси ёки бўлими бўлиб қолди.

Кечки Бетховен фугасининг асосий томонлари:

а) бутун асар ва унинг қисмлари масштабларининг кенглиги, қисмларининг кўпайиши, тезкор фугаларда вазмин эпизодларнинг пайдо бўлиши;

б) мавзунинг эркин ўзгартирилиши, айниқса, унинг тескарисига ўзгариши (обращение) ва стретталар техникасининг кўп маротаба қўлланиши, мавзу ритмикасидаги вариантли лик;

в) Бах ва Моцарт билан солиштирганда, тонал четга чиқишлар доирасининг кенгайиб бориши;

г) олдинги композиторларга бутунлай таниш бўлмаган мавзунинг кўшни ўтказилишларида регистрларнинг кенг диапазони.

Бетховен фугасининг ривожланиши куйидагича рўй беради: тўлиқ мавзу ўтказилишларининг сони камаяди, ишланма шакллар эса кучайиб боради ва фактуранинг мавзу интонациялари билан умумий тўйдирилиши юз беради. Кўп ҳолларда Бетховен бу мақсадларда дублировкалар ҳамда қарама-қарши ҳаракатдан фойдаланади.

Бетховеннинг 9- симфонияси

9-симфониянинг Allegrosида бош теманинг иккала унсури ажойиб тарзда ёрқиндир: иккинчи унсур биринчисига нисбатан камроқ индивидуаллашган деб бўлмайди. Аммо шубҳасизки, у биринчисига боғлиқ бўлиб, унинг тунд характери ни сақлаб қолади. Бу маънода 9-симфониянинг Allegro мавзуси полифоник мавзуларга яқин бўлиб, уларда контраст унсурлар интонацияларнинг умумийлиги билан боғлиқдир. Мавзунинг тўлиқ

яқунланганлиги $\frac{T}{a} \frac{TDT}{b}$ 9-симфония Allegrosини худди Бах сингари мавзуни ўтказилиши билан яқунлаш имконини берди.

9-симфония Allegrosидаги асосийф полифония усуллари:

а) оддий имитацион бўлмаган фактурани ривожланиши учун имитация ёки канонларнинг киритилиши;

б) эркин-фугалашган баён;

в) қарама-қарши мелодик ҳаракат воситасида контрапунктлаш;

г) мавзунинг контрастли унсурларини бир-бири билан контрапунктлаш, бутун матони мавзунинг интонациялар билан тўйдириш;

д) айтиб ўтилган шаклларнинг бирлашмаси.

Агар биринчи учта шакл Бетховен томонидан сонатали Allegro ривожланиши жараёнида қўлланса, охириги иккитаси синтетик бўлиб, реприза (кульминация) ва кодага хосдир.

Реприза – энг кучли полифоник кўринишлардан биридир. Агар экспозицияда бош мавзу унисон ёки гармоник баён этилган бўлса, репризада ҳамма нарса полифонияланган: юқори овозларда икки такт масофа орасида канон ҳосил бўлади, сўнгра эса терциялар бўйича тушувчи юқори септимага имитация қилинган каноник секвенция; имитация қилаётган овозлар пастдан юқorigа йўналтирилган контрапунктлар билан тўлдирилади.

Репризанинг кенглиги жуда маҳобатлидир.

Мавзу жихатдан бир хил бўлган 63-66 ва 67-70 тактларни солиштирсак, овозларнинг қарама-қарши ҳаракати оsonгина аккордларга йиғилиши мумкин экан.

Худди шу усул ёндош партия ҳаракатида ҳам кўринади: 132-133 тактлар уч овозли контрапунктнинг ҳосил қилади, 134 тактдан имитация киритилади, репризадаги 402 тактда ҳам. Шуниси кизикки, репризадаги имитация қисман тескарисига ўзгарган ҳаракатда (обращение) ҳам берилади: контрапунктлардаги қарама-қарши ҳаракатнинг устуворлиги таъсир этади.

Фугато қандай билинмасдан пайдо бўлган бўлса, шундай б унсурининг интонацияларида йўқолади. Сўнгра унинг субунсурларини контрапунктлаш бошланади, бу тўғри ва тескари кўринишдаги имитацияларининг қатнашуви натижасида юз беради.

9 симфония сонатали *Allegro* матосининг полифонизацияси бутун асарни қамраб олувчи янада каттарок полифоник шаклни очиб беришда зарурий босқич бўлди.

9 симфониянинг вазмин қисми учун полифониянинг бошқа шакли – гармоник асосдаги дифференциалланган овоз олиб ўтиш (голосоведение) хосдир. Нозик фигурация фонида биринчи скрипкалар ритми бўйича жонли, бир регистрдан иккинчисига эгилувчан ўтувчи жимжимадор мелодик чизиқни олиб ўтадилар. Агар трио скерцода вариационлик ўзгармас мавзукуйни турли хил контрапунктлаш орқали ифодаланган бўлса, *Adagio*да мелодик чизиқнинг ўзи вариационлангандир.

Финал биринчи учта қисмда қўлланган полифониянинг ҳамма шакллари синтезлайди.

Аммо финал ўзгача, янги симфониянинг бошқа қисмларида учрамаган иккиланган *fugato*ни беради ва у икки бош мавзу – “Тема радости” ҳамда “Обнимитесь миллионы” ларни бириктиради.

Уларнинг ҳар бири ўз жанрига эгадир: биринчиси – маршонамадхияли, иккинчиси – речитативдир.

Andante maestoso даги мавзу худди “Тема радости” каби вариациондир. Мавзуий материал доимо янгиланиб туради, аммо олдиндан ўзгарган кўринишда қайтарилади.

Финалнинг вазмин қисми тезкор қисмга қараганда анча қисқа. Худди шу хусусиятни кечки Бетховеннинг иккиланган фугаларида учратамиз.

Аммо бу фугаларнинг синтезланган репризаларида биринчи мавзу характери устувор бўлса, 9 симфония финалининг якуний иккиланган *fugato*сида янги характер – *Allegro energico* пайдо бўлади.

Симфония бўйлаб жойлашган катта полифоник шакл мазмун ва ривожланиш усуллари жиҳатдан нисҳоятда турличадир. Уни кода сингари, иккиланган фугато ҳам жуда безайди.